

**АНДИЖОН ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ
БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИНИНГ
А Ж Р И М И**

2021 йил июль ойининг 15 куни Андижон вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати очик суд мажлисида, вилоят суди биносида, раислик қилувчи вилоят судининг судьяси Н.Расулов, ҳайъат судьялари И.Сатвалдиев, Н.Зайнабидиновдан иборат таркибда, А.Бакировнинг котиблигида, тарафлардан Андижон вилоят прокуратураси бўлим прокурори Ш.Исамидинов, судланувчи С.Т ва унинг ҳимоячиси “Андижон” адвокатлар ҳайъати адвокати А.Кабилваларнинг иштирокида, судланувчи С.Т ва бошқаларга оид жиноят ишини судланувчи С.Т томонидан келтирилган апелляция шикоятига асосан апелляция тартибида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Андижон шаҳар судининг 2021 йил 27 майдаги ҳукмига кўра:

С.Т, [REDACTED] да Андижон туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали, муқаддам 2 марта:

1. 2017 йил 28 июлдаги жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судининг ҳукмига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ЖК 164-моддаси 2-қисмининг “а,б” бандлари, 166-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан ЖКнинг 59-моддаси тартибида 6 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига;
2. 2017 йил 28 сентябрдаги жиноят ишлари бўйича Асака туман судининг ҳукмига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ЖК 166-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан ЖК 59-моддасининг 8-қисми тартибида 6 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, 2019 йил 4 октябрдаги жиноят ишлари бўйича Навоий шаҳар судининг ажримига асосан ўталмай қолган 4 йил 3 ой 17 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси шу муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган, жазони 3 йил 5 ой 19 куни ўталмаган, [REDACTED]



██████████ да яшаган, иши бўйича қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилганга

Ўзбекистон Республикаси ЖК 277-моддаси 2-қисмининг “б” банди билан 1 йил, 166-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан 5 йил, 219-моддасининг 2-қисми билан 1 йил, ЖКнинг 59,60,61-моддалари тартибида узил-кесил 5 йил 2 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, жазони қаттиқ тартибли колонияларда ўташ белгиланган.

Суднинг ҳукмига кўра, С.Т 2020 йил 13 октябрь куни маст ҳолатда И.Жўрабоев билан жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимасдан Андижон шаҳри, Боғишамол даҳасида транспорт қатнови йўлида И.Мирзаев бошқарувида бўлган “Матиз” русумли 60 864 ТТҒ давлат белгили автомашинада йўловчи сифатида кетаётиб, уни ҳеч бир сабабсиз уришиб, уни автомашинадан тушириб, юзи ва баданларига уриб тепишиб, иш бўйича ўтказилган суд тиббий экспертизасининг 2020 йил 21 октябрдаги 6738-сонли хулосасига кўра, И.Мирзаев “ўнг кўз қовоқларида қонталаш” каби соғлиқнинг қисқа муддатга бузилишига олиб келмайдиган енгил тан жароҳати етказиб, безорилик қилганликда;

бундан ташқари, С.Т хавфли рецидивист бўлгани ҳолда 2020 йил 13 октябрь куни маст ҳолатда И.Жўрабоев билан ўзаро жиноий тил бириктириб, бир гуруҳ бўлишиб, Андижон шаҳри, Боғишамол даҳасида И.Мирзаев бошқарувида бўлган “Матиз” русумли машинасига ўтиришиб, машина ички салоида бўлган бир дона “Samsung J-2” русумли уяли алоқа телефони ва 50.000 сўм пул маблағларни очиқдан-очиқ қўлга киритишиб, қайтариб бермасдан талончилик қилишганликда;

бундан ташқари, С.Т ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, 2020 йил 13 октябрь куни маст ҳолатда И.Жўрабоевлар томонидан яна бошқа жиноятлар содир этилишини олдини олиш мақсадида ҳодиса жойига етиб келган Андижон шаҳар ИИО ФМБ ҲПБ ТП ПИ капитан Ж.Хаитовнинг қонуний талабларини бажармасдан, унинг бўйин ва хизмат кийимидан ушлаб, унинг қонуний фаолиятига фаол қаршилик кўрсатиб, хизмат вазифасини бажаришдан воз кечишга мажбур қилишиб, иш бўйича ўтказилган суд тиббий экспертизасининг 2020 йил 26 октябрдаги 6795-сонли хулосасига кўра, Ж.Хаитовга “ўнг елка камарида, ўнг елкада қонталаш, ўнг қўли 5-бармоғининг тирноқ ва асос фалангаси ташқи ва ички юзасидан шилинма” каби соғлиқнинг қисқа муддатга бузилишига олиб келмайдиган енгил тан жароҳати етказганликда айбли деб топилган.

Шу иш бўйича И.Жўрабоев ҳам судланган бўлиб, у томонидан апелляция шикояти ёки протест билдирилмагани сабабли, жиноят ишининг унга оид қисми муҳокама қилинмади.

Судланган С.Т апелляция шикоятида, суд ҳукмининг ўзига нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖК 166-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан қўйилган айбловга нисбатан эътирози борлигини, воқеа содир бўлган куни жабрланувчи И.Мирзаевнинг уяли телефон апаратыни олмаганини, телефонни жанжал вақтида ёнида бўлган “Мурод” исмли шахс олган



бўлиши мумкинлигини кўрсатиб, адолатли қарор қабул қилишни сўраган.

Жабрланувчи И.Мирзаев ўзининг эътирозномасида суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдиришни сўраган.

Шу иш бўйича судланган И.Жўрабоевга апелляция шикоятни нусхаси юборилган бўлса-да, унинг апелляция шикоятига нисбатан эътирозномаси судга келиб тушмаган.

Судлов ҳайъати иш бўйича вилоят суди судьяси Н.Зайнабидиновнинг маърузасини, ҳимоячи А.Кабиловани судланувчининг апелляция шикоятини қаноатлантириб, енгиллик бериш ҳақидаги, жабрланувчи И.Мирзаевнинг суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдириш ҳақидаги фикрларини, прокурор Ш.Исамидиновнинг суд ҳукмини ўзгаришсиз, апелляция шикоятини қаноатлантирмасдан қолдириш ҳақидаги хулосасини, судланувчи С.Тнинг суд ҳукмини ўзгартириб, апелляция шикоятини қаноатлантириб, енгиллик бериш ҳақидаги музокара ва охириги сўзларини тинглаб, апелляция шикоятидаги важларни жиноят иши ҳужжатлари билан бирга таҳлил қилиб, апелляция шикоятини қаноатлантирмасдан, суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топди.

Судланувчи С.Т апелляция инстанцияси судида, айбига қисман иқрорлик билдириб, 2020 йил 13 октябрь куни Б.Қобулов, И.Жўрабоевлар билан бирга овқатланиш учун соат 21 ларда Андижон шаҳрида жойлашган “Қум бозори” ошхонасига боришгани, ўша ерда таниши Муродга телефон қилиб уни таклиф қилгани, улар биргаликда ўтириб, 3-4 шиша спиртли ичимликлар истеъмол қилиб, кейин Боғишамол даҳасида жойлашган “Бир зумда” ошхонасига бориб, яна спиртли ичимлик истеъмол қилиб, ташқарига чиқишгани, шу вақтда кимдир такси чақиргани, такси етиб келгач кейинчалик таниган ҳайдовчи И.Мирзаев эканини билгани, ўзи ўта қаттиқ маст бўлиб қолгани, уни автомашинасига ўтиришгани, ҳайдовчи қаерга ҳайдашни сўраганида, ҳайдовчи билан гап тортишиб, шериги И.Жўрабоев билан уни автомашинадан тушириб уришгани, уни ўша ердан кетказиб юборишга ёрдам бераётган вақтида, уларни олдига кейинчалик таниган ҳудуд профилактика инспектори “Матиз” русумли автомашинада бир нафар шериги билан келиб, гап таллашиб кетгани, шу вақтда миллий гвардия ходимлари хизмат автомашинасида етиб келишиб, автомашинага ўтказиш учун кийимидан тортаётган вақтида, ИИБ ходимлари билан жанжаллашиб кетгани, шундан кейин ИИБ ходимлари уларни мастхонага олиб боришгани, у ерда мастлик ҳолатларини текшириб, ўша ердан қўйиб юборишгани, ушбу айблов бўйича эътирози йўқлигини, бу бўйича биринчи инстанция судида берган кўрсатувлари тўғрилигини, бироқ И.Мирзаевга тегишли телефон апаратини олмагани, у тухмат қилаётгани, автомашинада бўлган И.Мирзаевга тегишли телефони таниши Муроддан чиққани, у телефон апаратини қайтариб берган бўлса-да, телефон апаратини у олгани ҳақида нотўғри айблов қўйилгани, шу сабабли суд ҳукмини ўзига оид қисмини ўзгартириб, айбловдан ЖК 166-моддаси 3-қисмининг “а” бандини чиқаришни, апелляция шикоятини қаноатлантириб, ҳозирда қилмишидан пушаймонлигини, оилавий шароити оғирлигини инобатга олиб, қонуний енгиллик беришни сўради.



Жабрланувчи И.Мирзаев апелляция инстанцияси судида, Андижон тумани ХТБга қарашли 23-сонли мактабда тарих ўқитувчиси вазифасида ишлашни, оиласига қўшимча даромад топиш мақсадида бўш вақтларида аҳолига пуллик транспорт хизмати кўрсатиб келишни, 2020 йил 13 октябрь куни соат 00:40 ларда Андижон шаҳри, Боғишамол даҳасида жойлашган “Бир зумда” номли ошхонасига бир мижозни ташлаб турганида, олдига кейинчалик таниган Бегзод исмли шахс келиб автомашинани олди ўриндиғига ўтиргани, у ўзини Янги бозордаги “Мумтоз” кафесига олиб боришни айтгани, шунда уни шериклари кейинчалик таниган Сирожиддин, Илхом, Жалолиддин ва Муроджонлар автомашинага чиқишгани, улар ўта маст ҳолатда бўлгани, автомашинани бошқаришни бошлаганида, Бегзод билан Жалолдин Асака туманига ташлаб қўйишни айтганида, Илхом Асакага эмас “Мумтоз” кафесига ташлаб қўйишни айтиб, икки хил гапиришгани, шунда Жалолдин Асака томонга қараб юр деб бошига бир маротаба ургани, шунда уларга қаерга боришни аввал ўзлари келишиб олишларини айтганида, Илхом унга қўпол муомалада бўлиб, бошига бир марта ургани, уларни ҳолатини кўриб ИИБ ходимлари ёрдамида улардан қутилмоқчи бўлгани, йўлда Боғишамол даҳасида жойлашган ИИБ биноси олдидан ўтиб кетаётганда шу ерга тўхтамоқчи бўлганида, Илхом тўхтамаслигини айтгани, йўлда масжид рўпарасига етиб келганида, Илхом автомашинани тўхтатишни айтгани, Илхом билан Сирожиддин автомашинадан тушишгани, шундан кейин Илхом уни катта йўлни ўртасига олиб чиқиб, бошига ва юзига бир икки марта уриб юборгани, ундан қочмоқчи бўлганида Сирожиддин уни оёғидан чалиб йиқитиб, белидан ушлаб, бир икки марта ерга урганида, уларга Асакага олиб бориб қўйишни, пуллари ҳам керак эмаслигини, фақат урмаслигини, тирикчиликка чиққанини айтиб, илтимос қилганида, Илхом нима сабабдан акаларига қаттиқ гапирганини айтиб, кўзига бир мушт ургани, шунда кўзи қонаб кетгани, уларни шериги Бегзод, Муроджонлар автомашинадан тушмасдан ўтиргани, шу вақтда Илхом топган пулларингни бер деб автомашинани бардачогини ковлаб, бир дона 50.000 сўм купюрадаги пулини олиб, бошқа пулинг йўқми деб сўрагани, унга пулини қайтариб беришни айтганида, у чўнтагига солиб машинадан тушиб кетгани, шу вақтда Сирожиддин ҳам автомашинасини тарпедасида турган уяли телефон апаратини олиб, чўнтагига солиб қўйганида, унга телефонини қайтариб беришни сўрашига қарамасдан, Сирожиддин унга телефонини ундан олишни айтиб, юриб кетгани, ўзи эса автомашинасидан мато парчасини олиб кўзини артиб турганида, катта йўлдан оқ рангли “Матиз” русумли автомашинасини профилактика инспектори бошқариб олганини кўриб, ундан ёрдам сўраш мақсадида уни йўлига югуриб чиқиб, уни тўхтатиб, бўлган воқеани айтиб бергани, қолган ҳолатлар бўйича биринчи инстанция судида берган кўрсатувларини тасдиқлашни, судланувчиларга ҳеч қандай тўхмат қилмагани, бўлиб ўтган воқеани тўғри айтиб бергани, ўзига тегишли “Samsung J-2” русумли уяли алоқа телефонини кейинчалик М.Ахмедовдан олгани, М.Ахмедов дўстига телефон қилиб, телефон эгасини қидираётганини, кўришмоқчи



бўлганини айтгани, орада дўстининг опасини тўйи бўлиб қолгани сабабли, телефонини тахминан 10 кундан сўнг қайтариб олгани, ҳозирда суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдиришни сўраб кўрсатув берди.

Кўшимча гувоҳ М.Ахмедов апелляция инстанцияси судида, судланувчи С.Тни олдиндан танишини, улар билан кўчада салом-алик қилиб туришини, 2020 йил 13 октябрь куни кечки пайт ўзининг ишлари билан Андижон шаҳрида юрган вақтида, таниши С.Т “Қум бозор” ошхонасига овқатланиш учун чақиргани, унинг таклифига рози бўлиб, айтган жойига боргани, у ерга борганида танишлари С.Т, И.Жўрабоевлар ва унга нотаниш 2 нафар шахслар борлигини кўргани, улар билан бирга ўтириб овқатланиб, спиртли ичимлик истеъмол қилгани, спиртли ичимлик таъсирида жуда маст бўлиб қолгани, ҳайдовчи И.Мирзаевни кейинчалик танигани, уни йўл ёқасида ким урганини кўрмагани, бу ҳолатлардан кейинчалик хабардор бўлгани, С.Тлар билан ўтирган кундан эртаси куни, чўнтагидан нотаниш телефон аппарати чиққани, ушбу телефон аппарати унга қаердан келиб қолганини эслай олмаслигини, чунки бир кун олдин қаттиқ даражада маст бўлгани, шундан кейин телефон аппаратини эгасига қайтаришга ҳаракат қилиб, телефон аппаратининг сим картасига “Ошнам” деб сақланган номерга телефон қилиб, телефонни эгасига қайтаришини айтгани, орадан тахминан 10 кун ўтганидан сўнг телефон аппаратини кейинчалик таниган И.Мирзаевга қайтариб бергани, 2020 йил 13 октябрь куни жанжал ҳолатини ўта маст ҳолатда бўлгани сабабли, эслай олмаслиги ҳақида кўрсатув берди.

Судланган С.Тнинг суд ҳукмида кўрсатилган жиноятларни содир этганликдаги айби, унинг айбига қисман иқрорлик билдириб берган кўрсатувларидан ташқари, жабрланувчи И.Мирзаев ва гувоҳ М.Ахмедовларнинг апелляция инстанцияси судида берган кўрсатувлари, шу иш бўйича судланган И.Жўрабоев, жабрланувчи Ж.Хайитов ва гувоҳ М.Шахобиддинов, Ҳ.Абдусаттаровларнинг дастлабки тергов ва биринчи инстанция судида берган кўрсатувлари, тушунтириш хатлари, юзлаштириш баённомалари, аризалар, суд-тиббий экспертизасининг хулосалари ҳамда ишдаги бошқа далиллар билан исботланган.

Биринчи инстанция суди, С.Тнинг жиноий ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖК 277-моддаси 2-қисмининг “б” банди, 166-моддаси 3-қисмининг “а” банди, 219-моддасининг 2-қисми билан тўғри квалификация қилиб, унга нисбатан жазо тури ва миқдорини тайинлашда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қароридаги тушунтиришларга амал қилиб, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни эътиборга олиб, у айбли деб топилган моддалар санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаш, ЖКнинг 59-моддаси тартибида жазоларни қисман қўшиш, жиноят ишлари бўйича Навоий шаҳар судининг 2019 йил 4 октябрдаги ажрими билан тайинланиб, ўталмаган 3 йил 5 ой 19 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ЖКнинг 60,61-моддалари тартибида қисман қўшиб, узил-кесил озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаш



ҳақида тўғри тўхтамга келган.

Судлов ҳайъати, судланувчи С.Тнинг апелляция шикоятдаги, суд ҳукмининг ўзига нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖК 166-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан қўйилган айбловга нисбатан эътирози борлиги, воқеа содир бўлган куни жабрланувчи И.Мирзаевнинг уяли телефон аппаратини олмагани, телефонни жанжал вақтида ёнида бўлган Мурод исмли шахс олган бўлиши мумкинлиги ҳақидаги важларини муҳокама қилиб, жабрланувчи И.Мирзаевнинг дастлабки тергов давридан ҳозирга қадар ўзига тегишли бўлган телефон аппаратини айнан С.Т олганини аниқ кўргани ҳақида кўрсатувлари ва жиноят ишида тўпланган бошқа далиллар билан рад қилингани сабабли, унинг ушбу важлари билан келишмади.

Суднинг ҳукмини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун жиноят ишида асослар мавжуд эмас.

Шунга кўра, судлов ҳайъати суднинг ҳукмини ўзгартиришсиз, судланувчи С.Тнинг апелляция шикоятини қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 497¹³, 497¹⁴, 497¹⁷, 497²⁶, 497³¹-моддаларига амал қилиб, судлов ҳайъати

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Жиноят ишлари бўйича Андижон шаҳар судининг 2021 йил 27 майдаги С.Т, Жўрабоев Илхомжон Парходжон ўғлиларга нисбатан чиқарилган ҳукмини С.Тга оид қисми ўзгартиришсиз, апелляция шикоти қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Раислик қилувчи

Н.Расулов

Ҳайъат судьялари

И.Сатвалдиев

Н.Зайнабидинов



Раислик қилувчи
Ҳайъат судьялари

имзо
имзолар

Ажрим нусҳаси аслига тўғри,
вилоят судининг судьяси

Н.Зайнабидинов



